

ТУМАН ҲОКИМИ ИКРОМ СИНДАРОВИЧ МАТИЕВНИНГ ТАДБИРКОРЛАРГА МУРОЖААТИ

Хурматли тадбиркорлар!

Барчангизга маълумки, мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳбарлигида кенг қўламдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ана шу ислохотлар жараёнида тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш ҳамда бу орқали қўшимча иш ўринлари яратиш бугунги кунда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланди. Хурматли Юртбошимиз таъбири билан айтганда, биз фақат фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эриша оламиз.

Дарҳақиқат, бугунги шиддатли глобаллашув даврида ҳар қандай мамлакат тараққиётини биринчи галда жамиятнинг илғорлари қаторида бўлган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари белгилаб беради, десак, муболаға бўлмайди.

Шундай экан, бугундан бошлаб, туман ҳокими бошчилигида тумандаги барча раҳбарлар **“Ҳар бир тадбиркорга – кўмакдош, елкадош ва мададкоримиз!”** гояси асосида Сиз тадбиркорлар билан яқиндан туриб, сизлар билан биргалликда янги Ўзбекистонни бунёд этишда, юртимизнинг янада раванқ топишида муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонаман.

Азиз дўстлар!

Тадбиркорларнинг муаммоларини тезкорлик билан ижобий ҳал этиш ҳамда мурожаатлари билан манзилли ишлаш бўйича 2019 йилнинг 1 июнидан бошлаб жойларда Бош вазир қабулхоналари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бош вазир қабулхонаси томонидан тадбиркорлар, шу жумладан, чет эллик инвесторларни қабул қилиш, сайёр қабул қилиш, ишчи гуруҳлар билан бирга мурожаатларини кўриб чиқиш, қонуний талабларини жойида ҳал этиш, ҳал этилмаган мурожаатларни ваколатли органларга юбориш, барча маълумотларни ягона интерактив порталга киритиб бориш борасидаги ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу борада туманимизда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида тадбиркорлардан бевосита тумандаги қабулхонага 36 та, сайёр қабулларда 24 та, ишонч телефонлари орқали 18 та, жами 78 та мурожаатлар қабул қилиниб,

мурожаатларда кўтарилган 87 та масаланинг 80 таси, ёки 92 фоизи кўриб чиқилиши таъминланди, уларнинг 36 таси (45%) ижобий ҳал қилинган бўлса, 44 тасига (55%) тушунтириш берилган. Қолган 7 таси (8%) тегишли идора ва ташкилотлар томонидан кўриб чиқилмоқда. Мурожаатларнинг 44 таси (50,6%) кредит, 20 таси (23%) ер ажратиш, 2 таси (2,3%) инфратузилма тармоқлари (газ, электр, сув, йўл), 2 таси (2,3%) солиқ бўйича ва 19 таси (21,8%) бошқа масалаларда келиб тушди.

Демак, бугун очик айтишим керак, тадбиркорликни янда ривожлантиришда барча тўсиқ ва ғовларга тўлиқ барҳам бера олганимиз йўқ. Баъзи давлат идоралари иқтисодиётимизнинг ушбу муҳим йўналишига етарли эътибор бермаптилар. Айрим мансабдорларнинг бу ишга панжа орасидан қараб келаётгани ташаббускор юртдошларимизнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Айниқса, тадбиркорларга ер, бино ва иншоот, кредит ажратиш, хом-ашё билан таъминлаш, коммуникация тизимларига уланишга рухсатнома беришда бюрократия кучлилиқ қилмоқда. Давлат идораларининг айрим ходимлари мавжуд қонунчиликни назар-писанд қилмай, очик айтишимиз керакки, таъмагирлик йўли билан муаммоларни ҳал қилишга атайин тўсиқ бўлишмоқда.

Қадрли тадбиркорлар!

Бир нарсани англашнинг керак, Сиз туфайли ҳудудимизда ишсизлик қисқаради, даромадлар ошади, оилаларимиз, аёлларимиз ва фарзандларимиз турмушидан миннатдор бўлиб, ўз юртида халоват топади.

Хурматли Президентимиз томонидан тадбиркорлик субъектларини сонини ошириш бўйича берган топшириқларига мувофиқ туманимизда жорий йилнинг биринчи чорагида 94 та тадбиркорлик субъектлари ташкил қилинди ва белгиланган режа прогнози 103,3 фоизга бажарилди.

Туманимиз аҳолисини тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган дастурлар ишлаб чиқилди. Жорий йил биринчи чорагидаги мазкур дастурнинг ижроси бўйича қисқача тўхталиб ўтсам.

Тижорат банклари томони-

дан йил бошидан жами 1 та лойиҳага 1 млрд. 400 млн.сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилиб, 8 та янги иш ўринлари яратилди.

Жумладан, **“Ҳар бир оила - тадбиркор”** дастури доирасида 215 та субъектга 4,1 млрд.сўм кредит маблағлари ажратилиб, натижада 218 та янги иш ўринлари яратилди.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш дастури доирасида 7 та лойиҳага 107 млн.сўм ажратилиб, 7 та янги иш ўринлари яратилди;

“Ёшлар келажагимиз” дастури доирасида 1 та субъектга 1,5 млрд.сўм ажратилиб, 3 та янги иш ўринлари яратилди.

Жорий йил 1-чорагида туман бўйича умумий қиймати 9,4 млрд.сўмни ташкил қилган 3 та лойиҳани ишга тушириш режалаштирилган эди. Чорак якуни билан умумий қиймати 18,8 млрд.сўм бўлган 5 та лойиҳа ишга туширилиб, 52 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Унинг 2 тасини умумий қиймати 13,7 млрд.сўмни ташкил қилган санот йўналишидаги 1 тасини умумий қиймати 300 млн.сўмни ташкил қилган қишлоқ хўжалиги йўналишидаги 2 тасини умумий қиймати 4,3 млрд.сўмни ташкил қилган хизмат кўрсатиш йўналишидаги лойиҳалар ташкил қилади.

Мисол учун, “Эгизбулок” маҳалласида “Тианшан индустриес” МЧЖ томонидан 1,3 млн. АҚШ долларини ҳисобига, йилига 200 минг тонна оҳак ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган лойиҳа ишга туширилиб, шу маҳалладаги 19 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Шунингдек, “Ўзбекистон” маҳалласида “Афруза голд стар” МЧЖ томонидан умумий қиймати 2,3 млрд.сўмлик меҳмонхона хизмати лойиҳаси ишга туширилди ва бунинг ҳисобига 8 та янги иш ўрни яратилди.

Бандлик дастурига асосан туманда 85 та янги иш ўринлари ташкил этилиб, белгиланган прогноз режаси 72 фоизга бажарилган.

Жумладан, янги кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил этиш ҳисобига 42 та, яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 43 та иш ўринлари тўғри келади.

Бундан ташқари, **ер ажратиш** масаласида шуни айтиш мумкинки, бундан буён ҳақиқий тадбиркор бўлиш истагида юрганларга **ер ва бўш бино иншоотларни ажратиб бериш очик ошкор равишда, барча учун тенг шароитда,**



электрон аукцион орқали амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари бўш турган бино-иншоотлар ҳамда ижтимоий соҳа объектларидаги самарасиз ва фойдаланилмайдиган турган бўш ер майдонларида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва аҳолига янги иш ўринлари яратиш орқали уларни ҳаётдан рози қилиш бўйича кенг имкониятлар яратиб берган.

Жорий йил бошидан ўтказилган хатлов натижасида аниқланган жами 362 та (5,7 га) бўш ер участкаларидан 308 таси (2,8 га) онлайн аукционга чиқарилиб, шундан 49 таси (2,925 га) сотилди, қолган 313 таси (2,8 га) сотиш жараёнида турибди.

Азиз тадбиркорлар!

Ҳаммамизнинг олди-мизда бир савол турибди. 2021 йилнинг иккинчи чорагида тадбиркорликни ривожлантириш борасида қандай ишларни амалга оширамиз? Бошқача айтганда, тадбиркорлик келгусида қандай ривожланади?

Бу саволларга энг аввало, туман раҳбари сифатида сизларнинг ҳузурингизда биргалликда жавоб беришимиз керак, деб ҳисоблайман. **Биринчидан,** туманда тадбиркорлик субъектлари ташкил қилиш кўрсаткичи йил якунига қадар 340 тага етказилади.

Иккинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда оилавий лойиҳаларини молиялаштириш учун 213,3 млрд.сўм миқдорида кредитлар ажратилади.

Учинчидан, ҳудудда тадбиркорлик лойиҳаларини жойлаштириш учун 1 та кичик санот зонаси ташкил этилиб, умумий қиймати 3,8 миллиард сўмлик 9 та лойиҳа амалга оши-

рилади.

Тўртинчидан, туман аҳолисини доимий иш жойлари билан таъминлаш мақсадида йил якунига қадар 1 609 тага етказилади.

Бешинчидан, туманга жорий йил биринчи ярим йилликда 26,0 млрд.сўмлик бюджет тушумлари режалаштирилган бўлиб, ушбу прогноз 29,5 млрд.сўмга, яъни 113,5 фоизга бажарилади.

Азиз тадбиркорлар!

Бугун Сизга қилаётган мурожаатимиздан кўзлаган мақсадимиз битта. У ҳам бўлса туманимизда тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, давлат органлари ва Сиз, тадбиркорлар ўртасида самарали мулоқот тизимини янада мустаҳкамлашдир. Фақат баҳамжиҳат ишласак олдимизда турган улкан вазифаларни амалга оширишимиз мумкин. Ушбу ишларни бажаришда сусткашликка йўл қўйган ҳар бир масъуллар қонун олдида жавоб беради. Чунки бугун биз ҳар бир тадбиркорга кўмакдош, елкадош ва мададкор бўлишимиз даркор.

Бундан буён тасдиқланган жадвал асосида тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказамиз. Ушбу учрашувларда юқорида айтиб ўтилган барча муаммолар бўйича ҳар бир тадбиркор билан шахсан учрашиб, муаммоларни ҳал қилиш чораларини кўрамиз. Учрашувларни ўтказиш муддати ва жойи тўғрисида барчаларингизга оммавий ахборот воситалари орқали хабар етказилади.

Эл-юртимиз тараққиёти йўлида барчангизга сihat-саломатлик, эзгу ва олижаноб ишларингизга муваффақиятлар тилайман.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари туман Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Сессияни туман ҳокими, Халқ депутатлари туман Кенгаши раиси Икром Матиев кириш сўзи билан очди.

Сессияда дастлаб туман ҳокими Икром Матиев ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш, қўшимча иш ўринлари яратиш ва бюджетга тушумларни кўпайтириш бўйича биринчи ярим йилликда амалга оширилган ишлар тўғрисида тадбиркорларга мурожаатини ўқиб эшиттирди. Туман ҳокимининг тадбиркорларга мурожаати депутатлар томонидан бир овоздан маъқулланди. Туман ҳокимининг тадбиркорларга мурожаати туман ҳокимлигининг forish.jizzax.uz веб-сайтида, туман ҳокимлиги ахборот хизматининг “Телеграмм” каналида, туман ҳокимлигининг “Фориш туман ташкилот раҳбарлари” “Телеграмм” каналларида ҳамда “Facebook” мессенжерига жойлаштирилди ва “Фориш тонги” газетасида эълон қилинмоқда.

Шундан сўнг сессияда депутатлар кун тартибидеги бошқа масалаларни муҳокама қилдилар. Дастлаб Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими бошлиғи Фурқат Йўлдошев “Ёшлар дафтари” га киритилган доимий иш ўрни билан таъминланган, банклар томонидан имтиёзли кредитлар олиб, ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаган, ижтимоий муаммолари ҳал этилган ёшларни рўйхатдан чиқариш тўғрисида, жиноят ишлари бўйича туман суди раиси Салим Ботиров, фуқаролик ишлари бўйича туман суди раиси Эркин Умур-

заков, туман иқтисодий суди раиси Дилшод Соатовлар тумандаги жиноятлар, фуқаролик ва иқтисодий судлар раисларининг 2021 йил 1 чорақдаги фаолияти яқунлари ҳақида ахборот беришди.

Шундан сўнг туман прокуратурасининг қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 2020 йил мобайнидаги фаолияти юзасидан туман прокурори Мирзараҳим Отақулов, туман адлия бўлими ҳуқуқий тарғибот ва маърифат ишларининг аҳоли, қонун ҳужжатларини тарқатиш ҳамда ижрочиларга етказиш, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш ишлари бўйича 2021 йил 1 чорақ мобайнидаги фаолияти юзасидан туман адлия бўлими бошлиғи Шерзод Эрматовлар ахборот беришди.

Сессияда депутатлар туман ҳокимининг 2021 йил 19 апрелдаги Кенгашев Юлдаш Туршувечини туман ҳокимининг жамоатчилик билан ишлаш бўйича маслаҳатчиси лавозимига тайинлаш тўғрисидаги қарорини бир овоздан маъқулладилар.

Сессияда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Рашид КАРИМОВ.

Сайлов қонунчилигидаги ўзгаришлар

САЙЛОВ-ЎТА МУҲИМ ЖАРАЁН

Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи давлат ва фуқаролик жамияти ривожига асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

Сайловларнинг даврийлиги ва мажбурийлиги, адолатлиги ва эркинлик принциплари, уларнинг умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишни таъминлаш, сайловларни жамоатчилик ва халқаро кузатувчилар иштирокида ўтказиш механизмлари Ўзбекистон сайлов тизими демократияга асосланганлигининг ўзига хос сифат кўрсаткичлари ҳисобланади. Сайлов қонунчилиги энг асосий конституциявий принцип бўлган халқ ҳокимияти принципининг амалда татбиқ этилишини таъминлайди.

2019 йил 25 июнь куни қабул қилинган, 18 боб ва 103 моддадан иборат Ўзбекистон Республикасининг “Сайлов кодекси”, яхлит бир қонун шаклига келтирилмаган сайлов қонунчилигини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этди.

Сайлов Кодекси Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ муносабатларни

тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хоҳиш-иродаси эркин билдирилишини таъминловчи кафолатларни белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ва ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 2021 йил 8 февралдаги ЎРҚ-671-сон қонунига кўра, Конституцияга ўзгартириш киритилиб, Президентликка сайлов, Олий Мажлисининг қонунчилик палатасига, Қорақалпоғистон Жўқорги Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда-октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилиши белгиланган. Илгари эса декабрь ойида ўтказилиши белгиланган эди.

2021 йилда мамлакатимизда ўзига хос катта аҳамиятга эга бўлган сиёсий жараён - Президентлик сайлови ўтказилиши белгиланган.

Демократик жараёнлар ичида энг муҳими ҳисобланган сайловларни фақат қонун доирасида амалга оширилишини таъминлаш ва унда фаол иштирок этиш муҳим аҳамият касб этади.

Салим БОТИРОВ,
жиноят ишлари бўйича туман суди раиси.

Бу ҳақда биласизми?

ИЖТИМОЙ НАФАҚА КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

Кам таъминланган оилалар “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқланади ҳамда уларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 мартдаги 122-сон қарорига асосан кам таъминланган оилаларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқлаш ҳамда уларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 2021 йил 1 апрелдан бошлаб амалга киритилди.

Ушбу низомда қуйидагилар назарда тутилган:

- ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш шартлари;
- ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам олиш учун мурожаат қилиш ва уни кўриб чиқиш ҳамда уларни тўлаш тартиби;
- ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам учун тўловларни молиялаштириш тартиби белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 мартдаги 122-сон қарорининг 1-иловасига асосан кам таъминланган оилаларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқлаш ҳамда уларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 4-бобида болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам олиш учун аризаларни кўриб чиқиш тартиби белгиланган.

Оила аъзоларининг барча расмий даромадлари, шунингдек, оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромаднинг ҳисоб-китоби, оила аъзоси номида мавжуд бўлган кўчмас мол-мулки ва автотранспорт воситалари тўғрисида маълумотлари ариза берилган ойдан кейинги ойнинг 1-санасига қадар “Ягона реестр”

АТ томонидан автоматлаштирилган тарзда идоралараро электрон ўзаро ҳамкорликни қўллаган ҳолда жамланади ва ҳисоб-китоб қилинади.

Оилани кам таъминланган оила деб эътироф этиш ва унга болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа, моддий ёрдам тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш “Ягона реестр” АТ томонидан автоматлаштирилган тарзда амалга оширилади.

Қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлганда, оилани кам таъминланган оила деб эътироф этиш ва унга тегишли равишда болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш рад этилади:

- а) ариза берувчи оиласининг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромад ушбу Низомнинг 6-бандида белгиланган мезондан ошганда;
- б) идоралараро электрон ахборот тизими орқали олинган маълумотлар бўйича кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрида ариза берувчи ва унинг оила аъзоларида жами биттадан ортиқ кўчмас мулки ёки бир ва ундан ортиқ нотурар жой бинолари мавжуд бўлганда;
- в) ариза берувчи ёки унинг

оила аъзоларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номига расмийлаштирилган ёки бош ишончнома асосида фойдаланилаётган: - ишлаб чиқарилган муддати 7 йилдан ошмаган, техник ҳолати соз бўлган автотранспорт воситаси мавжуд бўлганда; - жами икки ва ундан ортиқ, техник ҳолати соз бўлган автотранспорт воситалари мавжуд бўлганда;

г) ариза берувчи ва унинг оила аъзоларининг тижорат банкларидаги депозит ҳисобварақларида ариза берган ойда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг беш баравари ва ундан ортиқ миқдорда маблағлари мавжуд бўлганда;

д) ариза берувчи ва унинг оила аъзоларида ариза берган ойда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг беш баравари ва ундан ортиқ миқдорда бозор қийматидаги қимматли қоғозлари мавжуд бўлганда;

е) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Мудофаа саноати давлат қўмитаси ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотларнинг хизматчилари



ва ходимлари ёки уларнинг оила аъзолари (турмуш ўртоғи ва болалари) томонидан аризалар тақдим этилганда;

ж) болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам олувчи ва унинг оила аъзоси томонидан ушбу Низомнинг 11-бандида белгиланган тартибга риоя қилмаган ҳолда такрорий ариза тақдим этилганда. Бунда такроран тақдим этилган ариза “Ягона реестр” АТга киритилгандан сўнг ариза кўриб чиқилмасдан, аризага раҳмат аризада кўрсатилган электрон манзилга ёки СМС – хабарлар орқали мобил телефон рақамига жўнатилади;

з) оилада меҳнат органлари томонидан тайинланган ишсизлик нафақасини олаётган аъзолари мавжуд бўлганда;

к) даромадларнинг расмий манбаларига эга бўлмаган ва охириги олти ой мобайнида иш излаб меҳнат органларига мурожаат қилмаган ҳамда меҳнат органларида ҳисобда турмаган, ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатига киритилмаган ёки ҳақ тўланадиган жамоат ишлари иштирокчиси ҳисобланмаган оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоси мавжуд бўлганда.

Ушбу бандда кўрсатилган мезонлар асосида болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш рад этилганда, ариза берувчига хабар “Ягона реестр” АТ орқали рад этиш электрон шаклда (аризада кўрсатилган электрон манзилига ёки СМС-хабарлар орқали мобил телефон рақамига) юборилади.

Обиджон ҲАКИМОВ,
“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” шўъба мудири.

Судлар фаолиятдан

ОХИРИГА ЕТМАГАН ҲАММОМ ЁКИ КРЕДИТ БИЛАН БОҒЛИҚ НАЙРАНГЛАР!

Бугун давлат томонидан тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун кенг имкониятлар яратилган. Бироқ, баъзи тадбиркорларнинг мавжуд имкониятлардан текин бойлик орттиришни мақсад қилиб фойдаланиши дилни хира қилади. Кредит низосига оид ҳолатлар бунинг исботидир.

Туман иқтисодий судига даъво ариза билан мушоахат қилган ССП Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар – “Ўзсанотқурилишбанк” АТБ манфаатида, “ААА” МЧЖ га (МЧЖ номи ўзгартирилди) нисбатан муддати ўтган кредит фоизи, муддатли кредит асосий қарзини муддатидан олдин ундириш ва кредит ҳисобига қурилган ҳаммом биносини гаровга қўйиш мажбуриятини юклашни сўрайди.

Аниқланишича, даъвогар ва жавобгар ўртасида Жиззах вилояти, Фориш тумани, “Оқтом” ва “Осмонсой” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида аҳолига ҳаммом биносини қуриш учун 5 йил (60 ой) муддатга, 14 фоиз устама тўлаш шarti билан, 12 ойлик имтиёзли давр асосида жами 800.000.000 сўм миқдорига 13.07.2018 йилда № 491, 492 - сонли кредит шартномалари имзоланган.

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Обод қишлоқ” дастури тўғрисидаги 29.03.2018 йилдаги № 5386-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.04.2018 йилдаги № 301-сонли қарорининг ижроси доирасида, туман аҳолиси учун хизмат кўрсатиш мажмуаси ҳамда ҳаммомларни намунавий лойиҳалари асосида аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида амалга оширилган.

Туман ҳокимининг 09.07.2018 йилдаги № 1357-сонли қарорига асосан “ААА” МЧЖ га Фориш тумани, “Оқтом” ва “Осмонсой” МФЙ ҳудудларидан 10 ўринли ҳаммом қурилиши учун ер майдони ажратилган. Аммо, суд мажлиси жараёнида маълум бўлишича ҳаммом биноси мажмуаси 2019 йилда қурилиши қисман тавомланган, аммо ҳозирга қадар фойдаланишга топширилмаган ва бино қадар қорхонасидан давлат рўйхатидан ўтказилмаган. Қуриб битказилган ҳаммом биноси жавобгар томонидан ихтиёрий равишда кредит таъминоти сифатида гаровга қўйилмаган.

Банк томонидан шартнома шартлари бажарилган бўлса-да, жавобгар шартнома мажбуриятларини тўлиқ бажармасдан,

кредит ва унга ҳисобланган фоиз тўловларини ўз вақтида амалга оширмаган.

Бундан кўриниб турибдики, жавобгар томон ҳақиқатда бизнес режада кўрсатилган манзилда “Ҳаммом” фаолиятини амалда ташкил этмай, банкдан 800.000.000 сўм имтиёзли кредит маблағи олишга эришган. Бундан ташқари бу уддабурон тадбиркор АТ “Халқбанки” Фориш туман филиалидан 21.10.2019 йилдаги № 1140-сонли кредит шартномасига асосан, 36 ой муддатга Фориш тумани “Оқтом” МФЙ ҳудудида 5 гектар ер майдонида “Иссиқхона ва қўшимча бинолар қурилиши учун (Гидропоника) йиллик 30 фоиз ҳақ тўлаш шarti ва 6 ойлик имтиёзли даври билан жами 1.800.000.000 сўм кредит олишга эришган.

Ушбу кредит қарзи бўйича ҳам тўловлар амалга оширилмаган ва бизнес режада кўрсатилган манзилда “Иссиқхона” фаолиятини ташкил этмаган.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодексининг 200-моддаси бешинчи қисмига кўра, агар суд низони кўраётганида шахсларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқланса, жиноят ишини кўзга тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун бу ҳақда прокурорга тегишли материалларни илова қилган ҳолда хабар қилинади.

Мазкур иш бўйича ҳолатга аниқлик киритиш мақсадида “ААА” МЧЖ ва “Ўзсанотқурилишбанк” АТБ ҳамда АТ “Халқбанки” Фориш туман филиалининг масъул мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларига суриштирув тергов йўли билан ҳуқуқий баҳо бериш учун прокуратурага хабарнома юборилди.

Оқибатда, “ААА” МЧЖ мансабдор шахслари ва бошқаларга нисбатан Жиззах вилоят прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси, 3-қисми “а” банди ва бошқа моддалар билан жиноят иши кўзга тилишига сабаб бўлди ва ноқонуний ҳаракатларга чек қўйилди.

Дилшод СОАТОВ,
туман иқтисодий суди раиси.

Қилмиш – қидирмиш

КАЛТАБИНЛИК ОҚИБАТИ

Бугунги кунда бутун жаҳон бўйлаб мафқуравий курашлар авжга чиқмоқда. Инсонлар қалбини забт этишга уринаётган диний-экстремистик ташкилотларнинг асл мақсади бузғунчилик эканлигини соғлом фикрли одамлар аллақачон англаб етганлар. Интернет ижтимоий забт этишга уринаётган диний-экстремистик ташкилотларнинг асл мақсади бузғунчилик эканлигини соғлом фикрли одамлар аллақачон англаб етганлар. Интернет ижтимоий забт этишга уринаётган диний-экстремистик ташкилотларнинг асл мақсади бузғунчилик эканлигини соғлом фикрли одамлар аллақачон англаб етганлар.

Олим Шукуров (мақоладаги исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) ана шундайлардан бири.

У ҳам кўр-кўрона интернет тармоғи орқали жамоат хавфсизлигига таҳдид соладиган, ақидапарастлик гоёлари билан йўғрилган диний мазмундаги материалларни сақлаш ва тарқатиш билан шуғулланиб келган.

Олим Шукуровга тегишли “Galaxy J-7” русумли телефони 2021 йил 21 январь куни текшириб кўрилганда, ушбу телефон аппарати орқали диний мазмундаги турли экстремистик ва террорчи гуруҳлар фаолиятига хайрихолик кайфиятини уйғотувчи

ва бошқа бир қатор ақидапарастларнинг гоёлари билан йўғрилган маъруза ва даъватларни сақлаб келиб, “Телеграмм”, “WhatsApp” ва “Facebook” тармоқлари орқали ўзининг алоқа рўйхатида бўлган танишларига тарқатиб келган.

Жумладан, унинг телефонидаги “Аудио” папкасидан 338 дона, “Видео” папкасидан 27 дона турли хил видео ва диний мазмундаги маърузалар топилди. Олим Шукуров ўз қилмишидан чин кўнгиладан пушаймонда экани ва бундай ҳолатни бошқа

такрорламаслигини инобатга олиб жиноят ишлари бўйича Фориш туман суди ҳукми билан унга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, билимсизлик, калтабинлик, узокни кўра билмаслик туфайли Олим Шукуров йўлдан адашди. Энди у кўзи очилиб, оқу қорани яхши ажратадиган бўлса ажабмас.

Салим БОТИРОВ,
жиноят ишлари бўйича туман суди судяси.

РАҲМАТ СИЗГА, ШИФОКОРЛАР

Шифокорлик инсон ҳаётига дахлдор, ўта масъулиятли ва машаққатли, энг шарафли касблардандир. Бугун халқ саломатлиги йўлида фидойилик билан меҳнат қилаётган тиббиёт ходимлари ҳар қанча эъзозга, эътирофга муносиб.

Бироқ кун ора ижтимоий тармоқларда омалашаётган шифокорларга бўлаётган таҳдидлар, уларни ҳақорат қилиш, камситиш ҳолатлари киши дилини хира қилади. Тиббий маданиятнинг бирламчи белгиси шифокорга нисбатан ҳурматдан бошланади. Минглаб, миллионлаб беморлар дарди билан олишаётган тиббиёт ходимлари айниқса пандемия даврида улкан жасорат кўрсатишди. Фурсатдан фойдаланиб уларнинг айримлари шахсан менига кўрсатган беҳимнат ёрдамлари учун ўз ташаккуримни изҳор қилмоқчиман.

2000 йиллардан буён юрак эшемик хасталиги, гипертония ташхислари билан довланиб келаман. Бу сурункали дард туфайли 2014 йилда хатто инфаркт ўтказдим. Шу йиллар мобайнида бир неча бор туман тиб-

биёт бирлашмасининг жонлантириш ва шошилич хурургия бўлимларида довланиб чиқдим. Дард устун келиб ётиб қолганимда тез тиббий ёрдам ходимлари мени кўп марта “насилкада” касалхонага ётқизишган. Аммо Аллоҳнинг инояти қолаверса, жонкуяр шифокорларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан хар сафар соғайиб, ўз оёғимда юриб касалхонадан чиқдим. 2021 йилнинг февраль ойида тўсатдан бир томоним ишламай фалаж бўлиб қолдим. Шошилич тарзда реанимацияга ётқизишди. 2-3 ҳафта доволандим, соғайганимдан кейин уйга рухсат беришди. Айтмоқчи бўлганим, мен каби беморларнинг дардига малҳам бўлиб, соғайиб кетишимиз учун ўзимиздан ортиқ ҳаракат қилган қатор фидойи шифокорларимизга хусусан, жонлантириш

бўлими мудир Мурод Хушмуродовга, реаниматор-анизтизиологлар Соҳиб Саримсоқов, Илҳом Маликов, Муродулло Норбековларга ва шошилич тез тиббий ёрдам бўлими бош терапевти Ирина Холикова-ларга чексиз миннатдорчилигимни изҳор қилмоқчиман.

Қолаверса, шифокорлар ёнида туриб, тун-у кун холимиздан хабар оладиган, хуш муомаласи билан жонимизга оро кирадиган жонлантириш бўлимининг ҳамширалари Айнур Дауланова, Холида Кенжаева, Моҳира Исматова, Муҳайё Эгамоваларга ҳам чин қалбдан ташаккур айтмоқчиман.

Сиз каби самимий, ширинсўз инсонлар туфайли даво илинжида келган беморларнинг руҳи тани бирдек шифо топмоқда. Меҳнатингиз бундан кейин ҳам юксак кадр топсин азиз шифокорлар.

Вали ҚОРАҚУЛОВ.
Меҳнат фахрийси,
“Қўлба” маҳалласи.

ХОТИРА ТАДБИРИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир, журналист, таржимон Саъдулла Ҳаким таваллудининг 70 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир “Гараша” маҳалласидаги 80-сонли ИДУМда ҳам юқори савияда бўлиб ўтди.

Тадбирга Саъдулла Ҳакимнинг қариндошлари, ёрдўстлари, кўни-қўшнилар таклиф этилди. Сўзга чиққанлар орасида шоирнинг яқин қариндоши Ғайрат Ҳакимов у ҳақда хотираларини баён қилар экан, меҳрибон, болажон, куйинчак инсон сифатида эслади. Кўшниси

Очил Саидов эса у билан ўтказган талабалик йиллари ҳақида гапира туриб, унинг дардқаш, самимий дўст эканлигини ҳар қандай вазиятда ҳам маслаҳатқўй бўла олишини қадрлар эдик, деб фикрларини қуллади.

Кечада мактаб ўқувчиларининг шоир қаламига мансуб шеърларидан намуналар ўқиши ва Қ.Бобоназаровнинг Саъдулла Ҳаким шеъри билан куйланган “Чақмоқ урсин” номли кўшиғи барча йигилганларда илиқ таассурот қолдирди.

Баҳрулло САЙПУЛОВ.

Мутахассис минбари

АМЕРИКА ОҚ КАПАЛАГИДАН САҚЛАНИНГ

Ўсимликларни қаттиқ шикастлайдиган, ўта хавфли зараркунанда ҳашарот – америка оқ капалаги-дир.

Бу ҳашаротнинг ватани шимолий Америка ҳисобланади. 1936 йилда Европа давлатларига, 1952 йилда Украинанинг Запорожье ўлкасида, 1966 йилда Молдова, Шимолий Кавказ, Волга бўйи атрофида, Каспий денгизининг гарбий қирғоғидаги ўлкаларда пайдо бўлган. Ҳозирги кунда бу ҳашаротнинг Қозоғистон Республикасида учраётгани мамлакатимизда ҳам тарқалиш хавфини оширмоқда.

Америка оқ капалаги 300 турдаги мевали ва

манзарали дарахтларнинг барглари шикастлантиради. Капалакнинг ташқи кўриниши оқ рангда бўлиб, ипақдек товланиб туради. Қаноти 25-35 миллиметр бўлиб, офтобланмайди. Тухуми шарсимон, кўкимтир рангли. Капалак тут, олма, олхўри, гилос, ёнғоқ ва бошқа дарахтлар баргининг ости томонига бир қатор қилиб, ўрта ҳисобда 300-500 та ва ундан ортиқ тухум қўяди. Тухумдан чиққан қуртлар тўп-тўп бўлиб, ипақлар билан ўралган ҳолда бўлади. Улар 35 кун яшайди. Етилган қуртлар дарахтларнинг эски пўстлари остида тўқилган баргларнинг иплари ичида гумбакка ай-



ланади ва гумбак даврида яшаб чиқади.

Бу хавфли зараркунданнинг вилоятимиз ҳудудида кириб келмаслиги учун зарур чораларни кўриш керак. Агар нотаниш зараркунанда аниқландиган бўлса, зудлик билан

вилоят карантин инспекцияси ёки бошқа таллуқли идораларга хабар қилишингизни сўраймиз.

Рустам ЭШТОЕВ,
ўсимликлар карантини агроном инспектори.

